


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

Researchers focused their attention on numerous mounds, city remains, heights, mountains, foothills and natural caves. Initially, the Fergana Valley was studied by the prominent historians N.I. Veselovsky and V.V. Bartold. In the 1930s, archaeological objects were studied by professional archaeologists led by B.A. Latinin. Also, the major archaeological works on the region were produced by Professor M. E. Masson in 1939, who organized archeological expeditions during the construction of the Great Fergana Canal. The scientific reports prepared by T.G. Oboldueva, V.D. Zhukov and Y.G. Gulyamov, who directly participated in this expedition, still have not lost their relevance. The research work of A.N. Bernshtam, who conducted work on the study of mountains, foothills and environs of the Fergana Valley, is still valuable. Thanks to the "Pamir-Alai" expedition, dozens of new discoveries on the ancient history of Fergana Valley became known to academia. During these years M.E. Voronets also conducted research on irrigation and construction, filling the gap with important scientific discoveries. Among his discoveries are the paintings in Sokh and caves on the Sokh-Shakhimardan canal.

After the WWII the famous archaeologists A.P. Okladnikov and V.A. Ranov also studied the highlands of the Fergana valley, which led to the discovery of the sites of primitive people. In particular, the discoveries made in collaboration with amateur historian P.T. Konopley are significant. The sites identified in the vicinity of Palman, Uchqurghan, Qapchughay, Abishir, Qayraqqum, Sokh and Shahimardan were first studied by them and later served as the basis for important discoveries.

The above-mentioned scholars have shown that the Fergana Valley should be studied even deeper from an archaeological point of view. The next generation of scholars have proved their conclusions right.

Keywords*: Fergana, archeology, museum, expedition, excavation, findings, research, scientific discovery, agricultural culture, cattle breeding culture, ancient settlement, canal, structures.*

М. Шамсиев

XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлигини ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг тутган ўрни

XIX асрнинг бошларига келиб Қўқон хонлигининг Россия империяси билан савдо-иқтисодий алоқалари жадал ривожланган. Бунга асосий сабаб, Қўқон хонлигининг Тошкент ҳудудини қўшиб олиши бўлган. Тошкент бу

даврга келиб Ўрта Осиё хонликлари орасида савдо-транспорт маркази сифатида, нафақат қозоқ дашти йўллари, балки Сибир ва Россиянинг бошқа йирик савдо-иқтисодий марказларига, шунингдек шимолий ҳудудлар учун Хитой, Ҳиндистон марказий ҳудудлар учун Бухоро ва Хива хонликларининг йўллари чорраҳасида жойлашганлиги билан қулай эди. XVIII аср охирларига келиб, Тошкент ҳокими Юнусхўжа ибн Ҳидоятхўжа (1784–1801) Россия империяси билан савдо-иқтисодий алоқаларини фаол олиб борган. Ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолиш мақсадида кўп ишларни амалга оширган. Бироқ XIX асрнинг бошларига келиб, Тошкент Қўқон хонлиги қўшинлари томонидан босиб олинган ҳамда мустақил ҳокимлик барҳам топади.

XIX асрнинг бошларида Қўқон хонлиги ҳудуди кенгайиб борган. Хонлик чегаралари ғарбда Орол денгизи ва Қозоқ даштларининг жанубий ҳудудларигача, шарқдан Шарқий Туркистон чегарасидаги Пешпак ва Қоракўл шаҳарлари атрофларигача бўлган ҳудудларга қадар кенгайган.

Тошкент Қўқон хонлигининг шимолий-ғарбий ҳудудидаги асосий таянч пункти ҳисобланиб, хонликнинг шимолий сарҳадларини назорат қилувчи марказ сифатида қаралган. Маъмурий-ҳудудий бошқарув Қўқон хонлиги назорати остида бўлса-да, лекин Тошкент бу ҳудудларни азалдан мустақил бошқариб келганлиги боис, бу ҳуқуқни ўзида сақлаб қолган. Тошкентга тайинланадиган ҳокимлар хонлик саройида катта сиёсий мавқеига эга бўлишган. Чунки, Тошкент иқтисодий жиҳатдан бир қадар ривожланган бўлиб, аҳолиси сони жиҳатидан ҳам хонликнинг йирик шаҳарлари орасида етакчи ўринда бўлган. Шунинг учун гоҳида баъзи Тошкент ҳокимлари хонлик сиёсатига қарши норозилик ҳаракатларини ҳам уюштириб турган.

Қўқон хонлигининг Тошкентга нисбатан олиб борган ички сиёсати ўз вақтида шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳволига салбий таъсир ҳам кўрсатган. Азалдан Россиянинг йирик шаҳарлари билан эркин савдо алоқаларини олиб борган тошкентлик савдогарлар бу ҳолатда жуда эркин бўлганликлари, Россия шаҳарлари билан савдо алоқаларни кенгайтиришни муҳим деб билганликлари боис, анча норози ҳам бўлганлар [11: 35] Чунки, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорда сотиш ва талабгир маҳсулотлар олиб келиш зарурати кундан-кунга ортиб борган.

Ушбу даврда Қўқон хонлигининг марказий шаҳарларида ҳам тўқимачилик саноати янада ривожлана бошлаган. Бу ерда маҳаллий усул билан чит матолари ишлаб чиқарилган ва уларга Тошкентда нақш ва гуллар босилиб Дашти Қипчоқ, Россия империясининг чекка ҳудудларигача олиб бориб сотилган. Дашти Қипчоқ ҳудудларига олиб борилган маҳсулотлар кўпинча савдогарлар томонидан айрибошланган, улар турли хил читдан

қилинган тўнлар, кўрпа ва матоларни чорва, тери, ҳайвон ёғи, жун ва мўйна каби маҳсулотларига айрибошлашган [4: 57].

Рус шарқшуноси А. Семенов (1873–1958) томонидан тўпланган маълумотларда, XIX асрнинг 30 йилларида Тошкентдан маҳсулотларни экспорт қилиш 2,4 баробарга ошган, 50 йилларда эса 3 баробарга кўпайган. Тошкент савдогарлари Ўрта Осиёдан олиб чиқиладиган қуруқ меванинг 85% ни, чойнинг 72% ни, читнинг барча туридан 26 % ни, ипакнинг 50% ни, дон маҳсулотларининг 93% ни, Ўрта Осиё мўйнасининг 30% ни, пахта хом ашёсининг 12% ни, калава ипнинг 16% ни Россия империяси ҳудудларига экспорт қилган бўлса, Ўрта Осиё бозорларига келтирилган темир, мис, чўян маҳсулотларининг ярмидан кўпини, 60% га яқин рус матолари, 98 % ишланган чарм, 59% пахта маҳсулотлари, 41% оддий мато(сукно) ва 22 % ипак матолари тошкентлик савдогарлар томонидан олиб келинган [8: 16].

Тошкентда энг ривожланган ҳунармандчилик соҳаси бу тўқимачилик бўлган. Шаҳар ва унинг атрофларида кенг миқёсда пахта, ипак ва жун матолари ишлаб чиқарилган. Хусусан, шаҳарда “ҳоворанг, оддий бўз” тўқиб чиқарилиши кенг тарқалган [3: 522]. Бу маҳсулотларга Дашти қипчоқ ва Россия империясининг чекка ҳудудларида эҳтиёж жуда юқори бўлган.

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, Тошкент ва Россия савдоси XIX асрнинг 30–50 йилларида ўзининг юқори даражасига кўтарилган. Чунки, тошкентлик савдогарлар Россия империяси билан савдо алоқаларини мустаҳкамлаб, хонликларнинг йирик шаҳарлари орасида ўз мавқеини сақлаб қолишган. Маҳсулотнинг катта қисми Фарғона водийси ҳудудида сотилган, қолган қисми эса транзит билан чет эл бозорларига юборилган.

Қўқон хонлиги Россия империяси билан Иртиш йўналиши орқали савдо алоқаларини йўлга қўйган. Чунки Иртиш йўли анча қулай бўлиб, Россия империясининг барча ҳудудларига олиб борадиган савдо йўллари билан боғлаган. Унинг устига Қозоқ даштлари орқали ўтган бу йўл ҳавфсиз бўлган. Бухоролик ва тошкентлик савдогарлар бу йўналишда кўп йиллар давомида Россия империяси билан савдо алоқаларини амалга ошириб келаётган эди. Шунингдек, Қўқон хонлигида тошкентлик савдогарлар воситачилигида Россия империяси билан савдо алоқалари кундан-кун юқори суратларда ривожланиб борган. 1812 йил Қўқон хони Умархон (1786–1822; ҳукмронлик йиллари 1810–1822) савдо муносабатларини ривожлантириш масаласида ўз элчисини Сибир орқали Петербургга юборган. Умархоннинг таклифини Россия императори Александр I (1777–1825; ҳукмронлик йиллари 1801–1825) мамнуният билан қабул қилган. Император Семипалатинск маъмуриятига қўқонлик савдогарларга барча шарт-шароитларни яратиб

бериш учун кўрсатмалар берган. Ҳатто келган савдогарларга ёки хизматчиларига нисбатан ҳам қўпол муомалада бўлишса, уларни ишончларини оқлай олишмаса, ёки савдо алоқаларидан бош тортса, Семипалатинск маъмуриятидаги барча ходимлар ишдан бўшатилиб, қонун бўйича жазоланиши таъкидланган [4: 102]. Бу элчилик муносабатларида тошкентлик савдогарлар муҳим рол ўйнаган.

Россия империяси бундай қулай вазиятдан фойдаланиб ўз савдо карвонларини Қўқон хонлигига юборишга тайёргарлик кўра бошлаган. Уларни хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 20 та казак аскарларини қўшиб жўнатишни режалаштирган. Аслида россиялик савдогарларга Ўрта Осиёнинг ичкарисига кириб бориш учун қулай имконият керак эди. Чунки 1811 йили калугалик савдогарлар Семён Алейников раҳбарлигида Иван ва Аким Свешниковлар Қўқон хонлигига келишган. Бу савдогарлар Қўқон хонлиги билан савдони илк бор йўлга қўйганликлари учун Сибир генерал губернатори Г. Глазенапнинг (1751–1819) тавсияси билан бу савдогарлар олтин медал билан тақдирланади. Семён Алейниковга 400 рубл миқдоридаги бриллиант узук ҳам берилган [1: л. 6].

Шу йилнинг ўзида тошкентлик ва қўқонлик савдогарлардан иборат савдо карвонлари Россия империясини йирик шаҳарларида савдо қилиб қайтишган. Қўқон хонлигининг барча ҳудудларидан йиғилган 100 дан ортиқ от ва туяларга ортилган савдо карвони Россия империясининг ички шаҳарларига қадар кириб борган ва савдо ишларини муваффаққиятли якунлаб келишган. Тошкентлик савдогарлар 23 та от ва туяларга ортилган карвони билан борган бўлса, ортга қайтганда Тошкентга 40 та от ва туяларга ортилган савдо карвони билан қайтишган. Қўқондан 10 карявон 20 от ва 7 та туя билан йўлга чиқиб, 7 та от ва туяларга ортилган савдо карвони билан ортга қайтишган. Бундан кўринадики, илк марта Қўқон атрофидан чиққан савдогарлар Қўқон бозорлари учун нима харидоргирлигини билган бўлса-да, лекин маҳсулот турларини кўпайтиришга уринишмаган ҳам. Асосан, қўқонлик савдогарлар олиб борган маҳсулотлари эвазига 30 мингтача қизил ва қора тери, темир ва чўяндан ясалган буюмлар, кўплаб миқдорда мато, бахмал, ипак, қоғоз, кумуш буюмлар, голланд тилло тангалари, сандиқлар, самовар, лакланган паднос, ношатир ва ҳ.к лар олиб келишган [4: 102].

Қўқон хонлиги савдогарларига яратиб берилаётган шароитлар ортида Россия империясининг бир томондан иқтисодий, иккинчи томондан сиёсий манфаатлари ётарди. Аслида тошкентлик савдогарларга бу имкониятлар XVIII аср охирида яратилиб берилган эди. Чунки, Россия империяси томонидан Осиё бозорига чиқиш ва уни эгаллашнинг энг қулай

йўналишларини аниқлаш учун бир қанча экспедициялар жўнатилиб, уларнинг ҳисоботлари асосида энг қулай йўлни танлаши керак эди.

1825 йилга келиб, Ўрта Осиёдан борган савдогарларга Сибирь губерния чегарасида тўланадиган гилдия божидан озод қилинган. Шу боис ҳам Иртиш йўналиши бўйлаб савдо қизғин олиб борилган. Россия империяси Қўқон хонлиги билан савдо муносабатларини йўлга қўйиш билан бирга, сиёсий алоқаларни ўрнатишга ҳам ҳаракат қилган.

Бу вақтда тошкенлик савдогарларнинг Россия империяси билан савдо алоқалари энг юқори чўққига чиққан эди. Тошкентлик савдогарлар томонидан Россия империяси ҳудудларидан олиб келинган маҳсулотлар Ўрта Осиёнинг марказий шаҳарларида чакана ва улгуржи савдода амалга оширилган. Уларга бундай қулай имкониятларнинг яратиб берилиши замирида, келгусида Россия империясининг Ўрта Осиёга нисбатан аввал иқтисодий кейинчалик сиёсий манфаатларини назарда тутувчи режаларни амалга ошириш учун зарур эди. Ҳатто, Тошкентнинг Хитой билан бўладиган Буюк ипак йўли бўйлаб савдо алоқалари кейинчалик, яъни Қўқон хонлиги томонидан босиб олиниб ўз ҳудудига қўшиб олинган даврларда ҳам ривожланган. Тошкент савдогарлари Қўқон хонлиги орқали Шарқий Туркистоннинг Қашқар ва Ёркент шаҳарлари бозорларига турли хил хом-ашё моллари: рус темири, дока, шойи газлама, кўпроқ олтин, гилам ва рўян олиб бориб сотишган [7: 38]. Чой, нашвадил, чинни ва бошқа буюмлар Чугучак ва Ғулжадан олиб келинган. Ҳар йили Тошкент орқали Қашқар ва Хитойдан Россияга бир мингдан ортиқ отга юкланган моллар олиб ўтилган. Бу карвонлар Россиядан Европа молларини олиб, Тошкент орқали Шарқий Туркистонга ва бошқа қўшни ҳудудларга олиб бориб сотишган [11: 57].

1851 йили Россия-Хитой ўртасидаги шартномага кўра, рус савдогарларига Ғулжа ва Чугучакда савдо қилиш имконияти берилган [10: 136]. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Россия империяси томонидан Ўрта Осиёни босиб олиши натижасида Буюк ипак йўлидаги муносабатлар икки катта мамлакат ўртасида амалга оширила бошланган. Ушбу алоқаларда рус савдогарлари имтиёзлардан кўпроқ фойдаланган. Айнан Тошкент ва тошкентлик савдогарлар бевосита икки мамлакатнинг алоқаларида таянч вазифани ўтаган. Хусусан, Хитой ҳужжатларида тошкентлик савдогарларнинг Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқий Туркистон, Жунғория, Хитой ва хатто, Тибетнинг савдо марказларига бориб, савдо-сотиқ ишларини олиб борганлиги ҳақида маълумотлар берилган [13: 80]. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ҳудудларига саёҳат қилган Ч.Ч. Валихоновнинг (1835–1865) ёзишича, Россиянинг Семипалатинск шаҳрида савдо қилаётган тошкентлик савдогар Мансур

Мамасаидов бошчилигидаги карвон Қашқарга ва ундан нари Тибетгача борган [2: 181].

Улар, асосан, Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Хитойда машҳур бўлган рус маҳсулотларини олиб борган. Шу тариқа Шарқий Туркистон ва Хитойда тошкентлик савдогарларнинг обрўйи ошиб кетган. Маҳаллий ва хитой манбаларни ўрганган тадқиқотчи Ш. Қўлдашев Неъматжон номи билан Шарқий Туркистонда иккита савдогар фаолият олиб борганлигини аниқлаган [12: 162]. Улардан бири XVIII асрнинг иккинчи ярмида Қўқонга қарашли Қашқарда хонлик савдогарлари оқсоқоли сифатида хизмат қилган. 1808 йилда вафот этган. Иккинчи тошкентлик савдогар Неъматжон (1844–1852, 1852–1855) эса Қўқон хукмдори Худоёрхон (1829–1886; ҳукмронлик йиллари 1845–1858, 1862–1863, 1865–1875) томонидан тайинланган. Бу оқсоқолларга Ўрта Осиё хонлик хонликлари ҳудудидан Қашқарга келиб савдо қилаётган барча савдогарлардан бож ва закот солиқларини йиғиб олиш вазифаси топширилган [9: 12]. Тарихчи олим М. Кутлуқовнинг фикрича, тошкентлик Алим пошшо [12: 139–146]. исмли савдогар Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1807–1842; ҳукмронлик йиллари 1822–1842) номидан Хитой маъмурлари билан музокаралар олиб ҳам борган. Ҳатто, у 1832 йил 13 январда имзоланган Қўқон-Хитой ўртасидаги шартномага Қўқон хони номидан имзо ҳам қўйган [5: 210]. Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўриниб турибдики ҳамма вақт, ҳар қандай шароитда ҳам тошкентлик савдогарларнинг Қўқон хонлигининг савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим воситачи бўлиб, ўз вазифаларини юқори даражада бажарганлар.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Тошкент қулай географик ўринда жойлашганлиги боис, XIX аср бошида Қўқон хонлигига қўшиб олинди. Натижада, Қўқон хонлигининг нафақат Россия билан, балки бошқа қўшни халқлар билан бўладиган савдо-иқтисодий алоқаларида муҳим стратегик марказ сифатида аҳамияти юқори бўлиб борди. Хонликнинг иқтисодий ва сиёсий марказларидан бири сифатида мамлакат ривожига ўз ҳиссасини қўшган. Ташқи савдода тошкентлик савдогарлар нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, балки сиёсий барқарорлашувида ҳам муҳим рол ўйнаган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Архив внешней политики Российской империи (АВПР). Главный архив, 11-3, оп. 34, 1811-2.
2. Ахмедов Б. Чўқон Валихонов Ўрта Осиё тарихи ҳақида // Тарихдан сабоқлар. Тошкент, 1994. Б. 179–183.

3. Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве // Гейнс А.К. Собрание литературных трудов. Т.П. Санкт-Петербург, 1898. С. 130–138.
4. Зияев Х.З. Экономические связи Средней Азии с Сибирью в XVIII – XIX вв. Ташкент, 1983.
5. Кутлуков М. Взаимоотношения Цинского Китая с Кокандским ханством // Китай и соседи. Москва, 1982. С. 203–217.
6. Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII – первой половине XIX в. Ремесло, торговля и пошлины. Ташкент, 1991.
7. Озадаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар. Тошкент, 1965.
8. Семенов А.А. Изучение исторических сведений о российской внешней торговле и промышленности с средены XVIII столетия по 1858 г. Санкт-Петербург, 1876.
9. Семенов А.А. Отношение Кокандского ханства к Кашгару в первое половине XIX века // ЎзР ФА Асосий кутубхонаси. Диссертация ва авторефератлар бўлими. РД 7125 шифр билан сақланади.
10. Серебренников А.Г. Туркестанский край. Материалы по истории завоеваний Туркестанского края. Т.7. Ташкент, 1914.
11. Ходжиев Э. Экономические и политические связи Ташкента с Россией (конец XVIII – начало XIX в.). Ташкент, 1992.
12. Қўлдашев Ш.Т. Қўқон хонлиги ва Хитой (Чинг империяси) ўртасидаги дипломатик муносабатлар. Монография. Тошкент, 2019.
13. Saguchi Toro. The Eastern trade of the Khokand khanate. Tokiya, 1963.

М. Шамсиев

XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлигини ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг тутган ўрни

Мақолада Тошкентни Қўқон хонлиги таркибига киргандан кейинги савдо фаолияти ва тошкентлик савдогарларнинг минтақада тутган роли ҳақида сўз боради. Хусусан, Қўқон хонлигининг ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг аҳамияти, уларнинг асосий савдодаги харидоргир маҳсулот турлари ҳамда ички савдони шакллантиришда ҳудудлараро олиб борган савдо муносабатлари ҳақида фикр юритилади.

Тошкент шаҳри савдода муҳим стратегияга эга минтақа сифатида қадимдан шаклланган. XIX аср бошларида Қўқон хонлигининг Россия империяси билан тенгшериклик асосида қурилган савдо муносабатларида бу шаҳар муҳим аҳамият касб этган. Чорак аср тошкентлик савдогарлар минтақа савдо муносабатларида мутлоқ ташаббускор сифатида ҳаракат

қилган бўлса, Қўқон хонлиги таркибига киргандан сўнг имкониятлари яна ҳам кенгайган.

Мақолада асосан архив ва бирламчи адабиётлардан кенг фойдаланилди. Тадқиқотда нафақат тошкентлик савдогарларнинг Россия империяси ҳудуддига олиб бориб сотган маҳсулотлари ва уларнинг нархлари, балки харидоргир маҳсулот турлари хусусида ҳам фикр юритилади. Шунингдек, Тошкентлик савдогарларнинг Россия империяси билан бирга Хитой, Ҳиндистон ва Дашти Қипчоқ ҳудудлари билан олиб борган савдо алоқалари, унда кечган сиёсий ва иқтисодий вазиятлар, бу жараёнларда тошкентлик савдогарларнинг Қўқон хонлигининг ташқи сиёсатида маълум маънода ишончли вакил сифатида рол ўйнагани кўрсатилган.

Калит сўзлар: *Тошкент, Қўқон, Россия, Шарқий Туркистон, савдо, савдогар, бозор, карвон йўллари, ички ва ташқи савдо, бозор, божхона, Сибир, маҳсулот турлари.*

М. Шамсиев

Роль ташкентских купцов в развитии внешнеторговых отношений Кокандского ханства в первой половине XIX века

В статье речь пойдет о торговых отношениях Кокандского ханства после присоединения Ташкента и роли ташкентских купцов в регионе. В частности, о деятельности ташкентских купцов во внешнеторговых отношениях Коканда, об основных видах торговой продукци, а также о роли торговых межрегональных отношений для развития внутренней торговли.

Ташкент издревле считался важным торговым стратегическим объектом в регионе, и к началу XIX века играл значимую роль в торговых отношениях между Россией и Кокандским ханством, построенных на равных партнёрских условиях. Четверть века ташкентские купцы считались единственными инициаторами торговых отношений в регионе. После присоедения Ташкента в состав Кокандского ханства можно проследить расширение возможностей в торговле.

В статье, в основном, использованы архивные и другие первоисточники. В данном исследовании мы изучили виды продукции, спрос и цены на товары, которыми ташкентские купцы торговали на территории Российской империи. А также, торговые отношения ташкентских купцов не только с Российской империей, но и с Китаем, Индией, регионами Дашти кипчаков, их участие в политических и

экономических процессах, в определенной степени, ташкентские купцы служили доверенными лицами Кокандского ханства во внешней политике.

Ключевые слова: *Ташкент, Коканд, Россия, Восточный Туркестан, торговля, купцы, рынок, торговые пути, внутренняя и внешняя торговля, таможня, Сибирь, виды изделий.*

M. Shamsiev

The role of Tashkent merchants in foreign trade relations of the Kokand khanate in the first half of the 19 th century

This article discusses the trade and the role of Tashkent merchants in the region of Tashkent after it became part of the Kokand Khanate and. In particular, the foreign trade relations of the Kokand Khanate reflect the activities of Tashkent merchants, their main types of affordable goods in trade, as well as first interregional trade relations in the formation of domestic trade. Tashkent has long been a region with an important trade strategy, and these processes played an important role in the trade relations of the Kokand Khanate, built on the basis of equal partnership with the Russian Empire in the early 19 th century. In particular, if for a quarter of a century Tashkent merchants were seen as the absolute initiators of trade relations in the region for some time, we can see that the opportunities expanded even more after joining the Kokand Khanate.

The article made extensive use of archives and primary literature. Not only does this study focus on the types of products sold by Tashkent traders to the territory of the Russian Empire and their prices, but the types of affordable goods are discussed as well. We can also see the trade relations of Tashkent merchants not only with the Russian Empire, but also with China, India and Dashti Kipchak, the political and economic situation, the role of Tashkent merchants in the foreign policy of the Kokand Khanate.

Keywords: *Tashkent, Kokand, Russia, East Turkestan, trade, merchant, market, caravan routes, domestic and foreign trade, market, customs, Siberia, types of products.*